Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
27 IYUN
PAYSHANBA
№ 80 (26.939)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ МИССИЯСИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Халқаро валюта жамғармасининг жаноб Эрик Де Врайер бошчилигидаги миссияси 2002 йилнинг 12 июнидан 25 июнигача Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Миссия «2002 йилнинг 1 январидан 30 июнигача бўлган давр мобайнида иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича меморандум»да ўз ифодасини топган Мониторинг дастури ижросини таҳлил этди. Томонлар қуйидагиларни қайд этишди:

1. Мониторинг дастурини амалга оширишда сезиларли силжишга эришилди. Миссия пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати келишувларга мувофиқ амалга оширилаётганини қайд этади. Бундан ташқари, 2002 йил июнь ойи охирига келиб, Дастурда тузилмавий ўзгаришларнинг назорат кўрсаткичи сифатида қайд этилган барча чоралар кўрилган.

2. ХВЖ ходимларига ислоҳотларнинг барқарорлиги ва муқаррарлигини баҳолашга имкон бериш мақсадида Ўзбекистон томони Мониторинг дастурини қўшимча равишда 2 ойга чўзиш заруратига хайрихоҳлик билдирди.

3. Келгуси даврда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз 2002 йилнинг қолган даври ва 2003 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг асосий элементларини ишлаб чиқишга йўналтирилади. Бу борадаги ишларни ХВЖ билан молиявий битим тузиш орқали қўллаб-қувватлаш мўлжалланмоқда.

Биз, Мониторинг дастури доирасидаги барча мақсадларга эришилгач, молиявий дастур 2002 йилнинг тўртинчи чорагидан кучга киришига умид билдирамиз.

Тошкент шаҳри,
2002 йил, 25 июнь

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сизларни бугунги қутлуғ байрамингиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий мубораксод этаман.

Бугун биз матбуотчилар кунини, шу соҳага алоқадор бўлган барча касб эгаларининг байрамини нишонлар эканмиз, бу борада эришган ютуқлар билан бирга, ўз ечимини кутаётган ўта муҳим масалалар тўғрисида, уларни ҳал этиш йўлида қўяётган қадамларимиз ҳақида очиқчасига фикрлашиб олишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу муаммоларнинг муҳимлиги шундаки, улар бизнинг бугунги ҳаётимиз ва келажагимиз билан бевосита боғлиқ бўлиб, жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштириш, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин эгаллашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шулар қаторида энг долзарб вазифа — жамиятимиз ҳаётида сўз эркинлиги тамойилини тўла татбиқ этиш, бу масалада ривожланган демократик давлатлар эришган даража ва андозаларга етиб боришдан иборатдир.

Ана шундай юксак марраларга эришиш учун кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчилик соҳасида ва амалий ҳаётимизда, оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур кафолат ва шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Лекин, холисона тан олишимиз керак — бу борада амалга оширилган тадбирларга нисбатан ҳали қилиниши лозим бўлган ишларимиз талайгина.

Бу тўғрида гапирганда, бир ҳақиқатни очиқ айтишимиз керак: бугунги кунда бизнинг матбуотимиз, радио ва телевидениемизда кўпроқ ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар, эришган ютуқларимизни акс эттириш кўзга ташланади. Бунинг аҳамияти ва муҳимлигини ҳеч ким рад этолмайди, албатта.

Аммо, қўлга киритган марралар билан бир қаторда, қанчақанча одамларимизнинг норозилигини уйғотаётган, жамиятимизни орқага тортаётган муаммо ва нуқсонлар, йўл қўйилаётган камчилик ва хатолар мавжудлиги ҳақида гапириш ортиқча бўлмайди.

Энг муҳими, жамиятимиз фақат бир хил қарашга, тушунча ва тафаккурга эга бўлган одамлардан иборат, деб ҳисоблаш катта хато бўлур эди.

Шундай экан, ўзимизга бир савол берайлик: мана шундай турли хил қарашлар, ўзаро қарама-қарши бўлган фикрлар матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларимиздан ўзига ўрин топаяптими?

Бугун масалани мана шу тарзда қўйиш вақти етди, деб ўйлайман.

Ҳеч кимга сир эмас — бугун бизнинг бу масалада оқсоқлигимизнинг асосий сабабларидан бири — якка мафкура ҳукм сурган мустабид тизимнинг қон-қонимизга, суяк-суякларимизга сингиб кетган асорат ва таъсирлари, оёғимизда кишан бўлиб турган, ҳали-бери ўз кучини сақлаб келаётган эскича қарашлардир.

Ҳозирги замон талаблари барчамиздан бундай эскича фикрлаш таъсиридан халос бўлишни, воз кечишни талаб қилиб, бонг урмоқда. Халқимизнинг тафаккури ва сиёсий савияси, маданияти тобора ўсиб, жамиятимизда соғлом қарашлар мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги шароитда, одамларимиз қанча-қанча машаққатли синовларни, суронли кунларни бошидан ўтказиб, оқни — оқ, қорани — қора деб ажратиш учун етарли тажрибага эга бўлган бир пайтда, ҳеч шубҳа йўқки, ҳаётимизда мавжуд бўлган бошқа фикр ва қарашларни ҳам матбуотимиз саҳифаларида, телевидение экранларида, эфир тўлқинларида акс эттириш ва улардан тегишли хулоса чиқариш вақти келди, деб айтсак, айни муддао бўлади.

Ҳаммамиз шуни чуқур англаб олишимиз керакки, ҳар хил хуфёна гаплар, миш-миш, уйдирма, бўҳтон ва овозалардан фойдаланмасдан, одамлар холис маълумотлар ва гаплардан матбуот орқали хабардор бўлса, бундан давлат ҳам, жамият ҳам фақат наф кўради. Жамият ҳаётининг томир уришини белгилайдиган матбуот ва ахборот соҳасида шундай сиёсат юритилганда, турли пинҳона хатти-ҳаракатлар учун ҳеч қандай асос қолмайди, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга, машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик холисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисўзлик муҳити ҳукмрон бўлади.

Чунки ютуқни — ютуқ, камчиликни — камчилик, жиноятни — жиноят, хиёнатни — хиёнат деб, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ — том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий киёфасини белгилаб беради.

Яна такрорлаб айтаман, бу масала нафақат матбуот, ахборот ва матбаа соҳаси ходимларига, балки жамиятимизнинг барча қатламларига тааллуқли бўлиб, биринчи галда мутасадди ва раҳбар шахсларнинг энг долзарб вазифасидир.

Аммо бу вазифани ечишда аввало матбуотчилар, журналистлар ташаббускор бўлиши, бу ғоят муҳим масалани доимо диққат марказида тутиши зарур, деб ўйлайман.

Мен, бугунги имкониятдан фойдаланиб, журналистларимизнинг мураккаб ва машаққатли меҳнатини эътироф этган ҳолда, уларнинг катта билим, тажриба ва малака талаб қиладиган шарафли касби ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни ўринли, деб биламан.

Чунки доимо эл-юрт дарду ташвишлари билан яшаш, адолат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишларига қарши, жамиятимизда, ҳаётимизда учраб турадиган мансабдорларнинг ўз вазифасини суиистеъмол қилиши, тўрачилик, беғамлик, лоқайдлик ва бепарволик ҳолатларига қарши курашиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

Сиёсат ҳақида гапирганда — сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида — иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар хусусида файласуф бўлиб баҳс қа киришишни — мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдига энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

Мен халқимизнинг азалий орзу-умидлари, асрлар давомида интилиб келган эзгу мақсадлари рўёбга чиқаётган ҳозирги кунларда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширишда жонкуяр ва фидойи журналистларимиз жамиятимизнинг суянчи ва таянчи бўладилар, деб қатъий ишонаман.

Сизларни бугунги байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ижодий ютуқлар, омад ва бахту саодат тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ГИЁҲВАНДЛИК МУАММОЛАРИ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Сизларни, Ўзбекистон пойтахти Тошкентда бўлиб ўтаётган нуфузли халқаро анжуман иштирокчиларини самимий қутлайман. Бугунги учрашув Халқаро гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кунида очилаётгани унинг аҳамиятини янада оширади.

Биз мазкур анжуманни 2000 йилда Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашга муштарак ёндашув» мавзуидаги конференциянинг мантиқий давоми деб биламиз.

Бугунги кунда наркомафиянинг халқаро террорчилик ва экстремизм билан чирмашиб кетгани барчага аён. Марказий Осиё давлатлари трансмиллий жиноий тузилмалар томонидан бевосита наркоагрессия нишонига айланиб қолган бир шароитда Ўзбекистон минтақа мамлакатлари, бутун дунё давлатлари саъй-ҳаракатларини наркобизнесга қарши кураш йўлида бирлаштириш таклифини илгари сурди ва унинг тарафдори бўлиб қолмоқда, ушбу умумий хавфга қарши курашга келгусида ҳам ўз ҳиссасини қўшишга тайёр.

Бугунги кунда бир ҳақиқатни ҳар қачонгидан кўра яхши тушуниб олмоғимиз ва унга риоя этмоғимиз зарур: фаолият кўлами мисли кўрилмаган даражада кенгайиб бораётган ва бутун-бутун жамиятлар асосига таҳдид солаётган наркобизнесга фақат биргаликдагина қарши тура оламиз.

Шу муносабат билан БМТ, ЕХҲТ каби халқаро институтларга, донор мамлакатларга мазкур анжуманни ташкил этишга қўшган ҳиссаси учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Мазкур жараёнда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг махсус органи — Наркотикларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин ва лозим.

Бугунги анжуманда гиёҳвандлик муаммолари ва ушбу офатга қарши кураш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш билан боғлиқ бир қанча ниҳоятда долзарб ва муҳим масала кўриб чиқилади. Анжуман олдига қўйилган олижаноб мақсадлар амалга ошишига ва у мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этишига ишончим комил.

Анжуманга ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш йўлида, унинг иштирокчиларига эса эзгу ва хайрли фаолиятида янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КУН ТАРТИБИДА — ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Марказий Осиёда гиёҳвандлик муаммолари: вазиятни баҳолаш ва тегишли чора-тадбирлар» мавзуида минтақавий анжуман бошланди. У Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТ Наркотикларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг (БМТ ННЖОБ) Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси, ЕХҲТ, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) томонидан Австрия ҳукумати кўмагида ташкил этилди. Конференцияда дунёнинг 24 мамлакатидан ташриф буюрган мутахассислар ва жамоатчилик арбоблари, 30 халқаро ташкилот вакиллари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кўплаб давлатлар элчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуман қатнашчиларига табригини мамлакатимиз ташқи ишлар вазири А.Комилов ўқиб эшиттирди.

Бугунги кунда гиёҳвандлик мисли кўрилмаган кўламга эга бўлди, халқаро ҳамжамият ушбу иллатнинг кенг тарқалиб бораётганидан хавотирда, деди ўз нутқида БМТ Наркотикларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Антонелла Деледда.

БМТнинг ушбу бошқармаси берган маълумотларга кўра, Афғонистондаги аксилтеррор операцияси бошланган пайтларда минтақа давлатлари орқали гиёҳвандлик моддалари транзити бирмунча камайган бўлса-да, ҳозир яна аввалги ҳолига келган. Гиёҳвандлик иллатига мубтало бўлаётган одамлар сони ортиб бормоқда ва айни пайтда уларни истеъмол қилувчилар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил қилади.

(Давоми 2-бетда)

«КОСКОМ» — УЧҚУДУҚДА

«...Учқудуқ шаҳрида «Коском» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасининг яна бир алоқа тизими — сервис хизмати маркази иш бошлади...»

Ушбу мавзу ҳақидаги илк хабарни бундан бир ойча муқаддам газеталарда батафсил ўқигансиз, албатта. Шундан сўнг ЎзА суратчиси Собиржон Зуфаров бу ерда бўлиб, корхона ҳаётидан қатор тасвирлар олиб қайтди. Бу янгилик «Коском» қўшма корхонасининг Навоий кон-металлургия комбинати билан ҳамкорликдаги фаолиятида ўзига хос босқич бўлди.

✧✧✧

Суратларда: корхона маъмурий биноси кўриниши; оператор Гулжон Шодмонова (ўнгда) мижоз билан суҳбатда; мижоз алоқа хизматидан мамнун.

ХДП ХАБАРИ

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Тошкентдаги Марказининг сиёсий маслаҳатчиси Корнелиу Мушински қабул қилинди. ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга мустақил Ўзбекистон, жумладан, ХДП учун ЕХҲТ билан ўзаро алоқаларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. У, шунингдек, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари ва амалий фаолияти, унинг мамлакатимиздаги бўлажак парламент ислоҳотида иштироки ҳамда мазкур ислоҳотдан кутилаётган натижалар тўғрисида сўзлаб берди, меҳмонни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Жаноб К.Мушински ЕХҲТ Тошкент Марказининг фаолияти, унинг республикамиз идора ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишининг хусусиятлари ҳақида гапирди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП МК котиби Аслиддин Рустамов иштирок этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ЖАНГОВАР ТОПШИРИҚЛАРДА ҚАТНАШИШ УЧУН

Дания, Норвегия ва Нидерландия ҳарбий ҳаво кучларининг 18 та қирувчи ва бомбардимончи самолётлари яқин кунларда Қирғизистон пойтахтидаги халқаро Манас аэропортида жойлашган антитеррор кучлар иттифоқининг ҳарбий базасига келиб жойлашади. Бу ҳақда Қирғизистонга ташриф буюрган Норвегия мудофаа вазири Кристан Крохн Девольд хабар берди. Унинг айтишича, янги келган самолётлар Франция ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий самолётлар билан бирга террорга қарши жанговар топшириқларни бажаради.

Дарвоқе, Франция ҳарбий ҳаво кучларининг учувчилари яқин кунларда ўз вазифаларини якунлаб, юртларига қайтиб кетадилар.

ТАНЗАНИЯДА МОТАМ

Танзания марказида юк поезди билан йўловчи поезди тўқнашиб кетди. Йўловчи поезди Дар-Эс-Саломдан Кигомуга кетаётган эди. Бироқ техник носозлик сабаб тепаликка тортолмай, поезд ортга кета бошлади. Бахтга қарши йўловчи поезди ортидан юк поезди келмоқда эди. Натижада, тўқнашув содир бўлди. Йўловчи поездида 22 та вагон бўлиб, 21 вагон рельсдан чиқиб кетган. Вагонларда 1600 га яқин киши бор эди.

200 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. 800 дан ортиқ одам эса тан жароҳати олди. Шу муносабат билан Танзания ҳукумати 2 кунлик мотам эълон қилди.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ҲАРБИЙ ОПЕРАЦИЯ

Исроил армияси яқин кунларда ХАМАС экстремистик ташкилоти фаолиятига чек қўйиш мақсадида кенг миқёсли ҳарбий операция бошламоқчи. «Ликуд» партиясининг навбатдаги йиғинида партия бошчиси, Исроил бош вазири Ариэл Шарон шу ҳақда баёнот берди.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ — 2001» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси танлов ҳайъати 2001 йил мобайнида ижодий фаоллик кўрсатган, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш, халқимиз турмушида юз бераётган ҳаётбахш ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг янгиланиши, камолот йўлида тинмай изланаётган навқирон авлод интилишлари ва изланишлари ҳақида турфа йўналишларда жонбозлик кўрсатиб ижод қилаётган журналистларни «Йилнинг энг яхши журналисти — 2001» танловининг ғолиби ва совриндорлари деб топди:

Озод Шарафиддинов («Жаҳон адабиёти») — юксак ижодий фаоллиги учун

Олимжон Усанов («Халқ сўзи») — ижтимоий-иқтисодий мавзудаги туркум мақолалари учун

Иброҳим Норматов («Туркистон-пресс») — ижтимоий-сиёсий ва халқаро мавзудаги туркум таҳлилий мақолалари учун

Нилуфар Умрзоқова («Ёшлар» телеканали) — «Бегойим» туркум кўрсатувлари учун

Темур Низаев («Правда Востока») — спорт мавзуидаги кўплаб таҳлилий мақолалари учун

Исмоил Шомуродов (ёзувчи, публицист) — замондошларимиз дунёқарашини таҳлил этишдаги изланишлари учун

Дилором Абдуллаева (ЎзТV) — «Ахборот» дастурида Қорақалпоғистондан кўрсатилган долзарб мавзудаги репортажлари учун

Бахром Рўзиматов («Ватанпарвар») — Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишланган ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги кўплаб мақолалари учун

Қуйидаги журналистлар рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлдилар:

Илҳом Сафаров (Бухоро), **Маҳмуджон Ибаев** (Андижон), **Фармон Тошев** (Самарқанд), **Холмурод Оллоназаров** (Тошкент вилояти), **Тоҳир Мирҳодиев, Озод Примов, Дилфуза Шомаликова** (Тошкент), **Санобар Боймуродова, Қурбон Эгамбердиев** (Қашқадарё), **Турғунбек Маҳкамов** (фотожурналист, Наманган), **Даврон Файзиев** («Ёшлар» телеканали).

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, ҲАМКАСБЛАР!

Одатда касб байрамлари арафасида амалга оширилган ишларга бир назар ташланади, янги режалар тузилади. Биз ҳам ушбу масалалар ҳақида фикрлашиш мақсадида ҳамкасбларимиздан бир гуруҳига қуйидаги саволни бердик:

— Мамлакатимиз ОАВ бугунги фаолиятини қандай баҳолайсиз? Сизнингча, матбуотимиз олдида қандай муҳим вазифалар, муаммолар турибди?

Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» газетаси шарҳловчиси:



— Баъзан таниш-билишлар сўраб қолишади: нима учун мамлакатимизда чоп этилаётган газеталар бир-бирига жуда ўхшаш?

Бир қарашда оддий савол бу. Лекин ана ўша оддий саволга тезгина, соддагина жавоб қайтаришга қийналасан, киши. Аввало, ўхшашлик нимада?

Менимча, Ўзбекистонда чиқадиган газета ёки журналлар эмас, балки оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатадиган ижодий ходимларнинг ёзиш усули бир-бирига жуда ўхшайди.

Бундай, эгизак мақолаларнинг турли таҳририятларда бир вақтнинг ўзида туғилишининг сабаби кўп, албатта. Изланиш, интилиш, ўзига хослик, таъбир жоиз бўлса, шартакилик етишмайди бизда. Маълум мавзуга қайси жиҳатдан ёндашиш кераклигини билмаймиз. Мақоланинг ўқ томирини, ўқишлиги-ю таъсир кучини, энг аввало, ана ўша ЁНДАШИШ белгилашини эсдан чиқарамиз.

Ўхшашликнинг яна бир аломати — бирор тадбирни ёритишга борган нечта журналист бўлса, ҳаммаси битта «Пресс-релиз»дан кўчиради. Одатдагидай, моҳият иккинчи планга ўтиб қолади. Жим-жимадор рақамлар билан қоғоз тўлдирамиз.

Яна бир камчилик шуки, оммавий ахборот воситаларимизда соғлом рақобат етишмайди. Мен шу янгиликни фалон газетадаги ҳамкасбларимдан олдин ўқувчиларга етказай, дегувчи журналистларимиз кам. Ахборот олиш манбаларини излаш эса жуда суст.

Назаримда, иш берувчи билан мухбир ўртасидаги муносабатларни ҳар икки томонлама таклиф-буюртма шаклига ўтказиш керакка ўхшайди. Айтмоқчи бўлганим, бош муҳаррир ходимга топшириқ эмас, буюртма берсин. Менимча, ана шундай усул демократик тамойилларга, бозор иқтисодиёти талабига ҳам тўла жавоб беради.

Гулнора МАҲКАМОВА, ЎзТВ «Ахборот» дирекциясининг шарҳловчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:

— Баъзан одамлар газета ўқимаяпти, фақат телевизор кўраяпти, деган даъволарни эшитишга тўғри келади. Аслида газеталар ҳам, журналлар ҳам ўқилаяпти. Баъзи газеталар нусхалари кескин камайса-да, унинг ўрнига янги, ўқувчи дидини ҳисобга оладиган бошқа нашрлар чоп этилаётганлигини кузатаяпмиз. Негаки, бу соҳага ҳам бозор иқтисодиёти кириб келди ва бундан кўз юмиб бўлмайди. «Ахборот» ҳам ана шундай бозордан ўз ўрнини эгаллаш йўлида изланаяпти. Демак, ўзбек матбуоти изланувчан, тинмай ҳаракатланаётган, интилаётган матбуотга айланди. Бу жараёнда маълум камчилик ва нуқсонлар ҳам бўлиши табиий.

Матбуот олдидаги вазифаларга келсак, улар ортса-ортаяптики, камаймаяпти. Менга оила, турмуш, қадриятлар ҳақидаги муаммолар бир ёқлама ёритилаётгандек туюлади. Муҳаббат, турмуш воқеаларини тасвирлашда муайян қолипга тушиш кўзга ташланади. Бу ҳаётни чуқур тадқиқ қилмаслик ёки мавзуга енгил ёндашиш натижаси бўлса керак.

Матбуотимиз фаолиятида баъзан кампаниячилик сезилиб қолади. Йил бўйи барқарор ёритиладиган мавзуларни режалаб ишлаш керакдай туюлади. Масалан, Қарияларни қадрлаш йилини олайлик. Аммо бу мавзуни мажлислар, дастурхонлар ва совғалар топшириш билан чегаралаб қўймаяпмизми? Одатий ҳол бўлган, миллий менталитетимизнинг узвий қисми бўлган меҳмонга дастурхон очиш удумимизни матбуотда таъкидлайверишдан воз кечиш пайти келмадимикан? Расмий қабуллар билан боғлиқ бўлса, бу энди протокол талаби, лекин туманда, маҳаллада бўлаётган тадбирни ҳам шу билан боғлайвериш мақсадни хиралаштиради.

Матбуот халқчил бўлиши, ҳар бир киши ундан ўзининг истакларига жавоб топиши лозим.

Пердегул ХЎЖАМУРОТОВА, «Еркин Қорақалпоқстан» газетаси ижтимоий-сиёсий редакцияси катта мухбири:

— Журналистика, мухбирлик ҳақида гап кетганда, кўпинча ўз тажрибамдан келиб чиқиб сўзлагим келади. Айтмоқчи бўлганим, матбуотга, оммавий ахборот воситаларига муносабат кейинги ўн йилда мутлақ ўзгарди. Энди биз илгаргидек ўйлаб топилган ғоя «қурбони» бўлиб, тўтиқушдек «сайрамаймиз». Боиси, шўролар замонидаги эскича қарашлар барҳам топган. Янгича фикрлаш бошланган. Одамлар газета, радио-телевидениега ўзига хос нажот маскани, деб қарайдиган бўлишди. Журналистларнинг холис ва одиллиги, муҳими, поклиги инсонлар қувонч ва ташвишини баҳам кўриш омилига айланган. Матбуот билан боғлиқ қонунлар устуворлигини таъминлаш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинаётган экан, албатта, «тўртинчи ҳокимият» деган, иборанинг амалий самараларини кўрамиз.

Биз матбуотнинг ошкоралиги, халқчиллиги, жанговарлигини таъминласак, олдинда турган баъзи соялар ҳам аста чекиниб боради. Оммавий ахборот воситалари одамларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий онгини оширишда муҳим аҳамият касб этиши лозим, деб биламан. Юртбошимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорларини шарҳлаш ва халққа тушунтириш борасидаги ишларимизни яна такомиллаштиришимиз керак деб ўйлайман.

Яна бир масала. Юртимиздаги турли билим масканларида тарбияланаётган ёш журналистлар бевосита ва билвосита ижодий муҳитга эш бўлиб кетолмаяптилар. Уларга эътиборни кучайтириш лозим, деган фикрдаман.

Тоҳир ОЛИМБОЕВ, «Овози тожик» газетаси бўлим мудири:

— Якка идеология ҳукм сурган, зуғум ўтказган даврлар ўтиб кетди. Истиқлол бошқа соҳалардаги каби биз газетачиларга ҳам эрк, озод фикрлаш, мустақил иш юритишдек неъматларни берди.

Эндиликда журналистлар учун барча шароитлар муҳайё. Компьютер ва бошқа техник воситалар хизматимизда. Биздан фақат пухта мақолалар ёзиш, уларда ҳаёт тарзини, омма истак-орзуларини тўлақонли ёритиш талаб қилинади. Ҳаёт бор жойда муаммо ҳам бор. Уларни ўрганиш учун эса жойларга бориб, халқ билан учрашиб, фикр олиш, мавзу танлаб, уни кейинчалик таҳлил қилиб яна халққа қайтариш лозим бўлади. Менимча, бу йўлда бироз оқсаяпмиз. Айниқса, танқидий, таҳлилий мақолалар сувдек зарур. Бундай материаллар журналистдан билим, ўта масъулият, жиддий муносабат талаб қилади.

Афсуски, ҳаммамиз ҳам бу талабларга тайёр эмасмиз. Демак, ўқиш, изланиш керак.

Анвар АБДУВАЛИЕВ, Ўзбекистон радиоси «Ахборот» бош муҳарририятининг бош муҳаррири:

— Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ўз ўқувчисини, телетомошабинини ва тингловчисини топишга ҳаракат қиляпти. Лекин, иш кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Биз бугун мақтов сўзини ишлатсак, ўзимизни-ўзимиз юпатган бўламиз.

Бугун газеталар кўпайиб кетди. Сон кўп, аммо сифатчи? Бу саволни телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар тайёрлаётган журналистларга ҳам беришимиз мумкин.

Кейинги йилларда турли тўлқинларда эфирга чиқадиган эшиттиришлар, нодавлат радиолар ҳам кўпайди. Бу замон талаби. Айниқса, рақобат учун керак. Лекин эшиттиришларнинг айримлари телефон орқали саломлашиш-у, ошиқ йигитнинг севгилисига йўллаган табриги, дил изҳоридан иборат бўлиб қолмаяптими? Эфир тўлқинига чиққан, ўзини журналист деб атаётган айрим ёшларга сал эътибор беришимиз керак эмасмикин? Тушунмаса тушунтириш, ўқимаган бўлса ўқитиш керакдир...

Энди саволнинг иккинчи қисмига келсак, вазифалар жуда катта. Биринчи навбатда ҳақиқатни одамларга етказишимиз керак. Тезкорлик зарур. Чунки, кечиккан янгиликнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Биз журналистларга халқ дарди, ташвиши ҳамда қувончини айтиш масъулияти юкланган. Бу катта ишонч.

Ўзбекистон телевидениеси «Ассалом, Ўзбекистон» кўрсатувининг бошловчиси Толибжон Исроилов навбатдаги дастурни тайёрлаётган пайт.

Ҳамкасблар фикр-мулоҳазаларини тўпловчи Норбобо ШАКАРОВ.

КУН ТАРТИБИДА — ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Афғонистон аввалгидек гиёҳвандлик моддалар етиштирувчи асосий давлат ва база бўлиб қолмоқда. Марказий Осиёда гиёҳвандлик кўпайишига сабаб шундан иборатки, оғуфурушлар минтақа давлатлари ҳудудларидан гиёҳвандлик моддаларни бошқа давлатларга етказиш ва бутун дунё бўйлаб тарқатиш транзити сифатида фойдаланмоқда. Шу муносабат билан БМТ ННЖОБ мутахассислари томонидан Марказий Осиё давлатларида юзага келган вазиятнинг мониторингини ўтказиш ва уларнинг гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш ишларини уюштириш борасидаги эҳтиёжларини ўрганишга йўналтирилган иккита лойиҳа амалга оширилди.

Коференциядан кўзланган мақсад — мазкур тадқиқотлар натижаларини муҳокама қилиш, тегишли чора-тадбирлар ва стратегияни ишлаб чиқиш, ҳар бир мамлакатда ва ҳар бир минтақада гиёҳвандлик моддаларга талабни камайтиришга доир дастурларнинг амалга оширилиши бўйича устувор йўналишларни белгилашдан иборат. Таъкидландики, бундай учрашувнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилиши тасодиф эмас. Президент Ислом Каримов бир неча бор энг юксак минбарлардан туриб, жаҳон ҳамжамиятини гиёҳвандлик моддалар ишлаб чиқариш, уларнинг тарқалиши ва истеъмоли устидан назоратни кучайтиришга даъват этган. Оғуфурушлик, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорчилик бир-бирига бевосита боғлиқ. Гиёҳвандлик моддаларни ноқонуний сотиш билан шуғулланувчи кимсалар минтақадаги вазият издан чиқишидан манфаатдордир. Зеро, бундай ҳол уларнинг жиноий фаолияти янада авж олишига замин яратади. Дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг ушбу иллатга қарши йўналтирилган ташаббусларини юқори баҳолайди.

Бу галги анжуман Ўзбекистон ҳукумати, БМТ ННЖОБ ва ЕХҲТ томонидан 2000 йилда Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашга муштарак ёндашув» мавзуидаги конференциянинг мантиқий давомидир. Ўзбекистонда 2002-2005 йилларга мўлжалланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва истеъмол қилишга қарши дастур амалга оширила бошлади.

Анжуманда БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Халқаро гиёҳвандлик ва гиёҳвандлик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни муносабати билан йўллаган мактуби ўқиб эшиттирилди. Бу йил ушбу тадбир гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ва ОИТС/ОИВнинг тарқалишига қарши курашга бағишланган. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, дунё бўйича ОИТС билан касалланганларнинг 5 фоизидан 10 фоизигача шприц орқали вирус юқтирган.

Шунингдек, минтақанинг айрим давлатлари вужудга келган вазиятга қарши туришга етарлича тайёр эмаслиги қайд этилди. Шу сабабли конференцияда иштирок этган халқаро ташкилотлар вакиллари ушбу босқичда уларга нафақат норкотрафикка қарши курашиш соҳасида, балки гиёҳвандлик моддаларга бўлган талабни камайтириш борасида ҳам халқаро ҳамжамият ёрдами кераклигини таъкидлади. Бундай ёрдам вазиятнинг кенг кўламда яхшиланишига хизмат қилади. Ўзбекистоннинг халқаро террорчиликка қарши кураш соҳасидаги хизматларини муносиб баҳолаган ҳолда, АҚШнинг ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотлари мамлакатимизга гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашиш учун 100 миллион АҚШ доллари ажратиши маълум қилинди.

Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари анжуман иштирокчиларини ўз давлатларида гиёҳвандлик моддаларни назорат қилиш ва уларга талабни камайтиришга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш борасидаги ишлар билан таништирди.

Конференцияда АҚШ ва Австриянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчилари Жон Ҳёрбст ҳамда Ҳайдемария Гюрер, ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари Ганчо Ганчев ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари сўзга чиқди.

■ **А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири**

БАЙРАМ ТАДБИРИ

2002 йилнинг 25 июнида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, мамлакатимизда ҳар йили кенг нишонланадиган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида, партия марказий даврий нашрлари ижодкорларини касбий байрамлари билан муборакбод этиш мақсадида, қабул маросимини ташкил этди. Байрам тадбирида журналистлар, Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлисга сайланган қатор депутатлар ва партия фаоллари иштирок этдилар.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов партия матбуотчиларини байрам билан қизғин табриклаб, уларнинг машаққатли меҳнатини юқори баҳолади. Шу билан бирга, у, партия матбуоти олдида турган долзарб вазифаларни эслатди, амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг боришини бундан кейин ҳам кенг ёритиш ва ХДП дастурий ғояларини рўёбга чиқаришга қўшаётган ҳиссаларини ошириш йўлида янада самаралироқ ишлашга даъват этди.

Учрашувда сўзга чиққан «Мулоқот» журнали бош муҳаррири Барот Бойқобилов, Олий Мажлис депутати Бўритош Шодиева ҳамда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари Андрей Орлов ва бошқалар матбуотчиларни байрам билан қутлаб, партия матбуоти ходимлари мустақил Ватанимиз равнақи йўлида ўз куч-ғайратларини аямасликларини билдирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари Изидор Кочмарик ва Аслиддин Рустамовлар қатнашдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ФАРРУХ БУЮК БРИТАНИЯГА БОРАДИ

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли физика-математика лицейи ташкил этилганига ўн йил бўлаяпти. Бу йиллар мобайнида билим даргоҳини 215 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг 90 фоизи республика олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар.

— Лицей ўқувчилари шаҳар, вилоят ва республика олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Абдумалик Мажидов, — Уч йилдан буён олимпиадада қатнашаётган 11-синф ўқувчиси Фаррух Шаҳидий бу йил республикада биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон олимпиадасида чет эллик тенгдошлари билан куч синашиш имкониятига эга бўлди. У энди Буюк Британияда ўтказиладиган Бутунжаҳон ёш математиклар олимпиадасида қатнашади.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ҒАЛЛА — 2002»

РИЗҚИ БУТУН ЭЛ, БУ!

ҚАШҚАДАРЁ

Вилоятда бу йил 205,9 минг гектар, шу жумладан, 60 минг гектар лалми майдонда деҳқончилик қилинди. Ҳозиргача 84 минг гектар сувли, 30,8 минг гектар лалми ердаги ҳосил ўриб-янчиб олинди. Жами 342,8 минг тонна дон сотиб, шартнома режаси бажарилди. Шундан 24,7 минг тоннаси уруғлик ғалладир. Ялпи дон хирмонини 680-700 минг тоннага етказиш мўлжалланяпти.

Бу йилги зафар аслида 2001 йилда олиб борилган курашлар ҳосиласидир. Негаки, деҳқончиликда шунчалик қатъий тадбирлар жорий этила бошландики, бунга барчанинг кўникиши қийин бўлди. Ерларни палапартиш, саёз ҳайдашга чек қўйилди, минг-минглаб сув ўлчагич иншоотлар қурилди.

— Деҳқон манфаат кўриши керак, — деган эди ўтган йили буғдойнинг «Чиллаки» навидан 75 центнердан ҳосил кўтарган Шаҳрисабз туманидаги Б. Фозилов номли ширкатнинг ижарачиси Бўта ака Эргашев. — Мен буни даламизга келган вилоят ҳокими Б. Ҳамидовга ҳам айтганман.

Дарҳақиқат, шундай бўлди. Агар ўтган йили вилоятда 22 минг тонна уруғлик дон етиштирилган бўлса, шундан 10 минг тоннаси шаҳрисабзлик деҳқонлар улуши. Кўп майдонларга ўзлари етиштирган, ўзлари ишонган уруғ қадашди. «Сара уруғ» ассоциацияси тузилди. Уруғлик ғаллани тозалаш, лаборатория кўригидан ўтказиш аъло даражада уюштирилди. Мана натижа: лалми ерда ҳосилдорлик 14, сувли майдонда — 40 центнер!

Ўримда Қарши тумани ғаллакорлари карвонбошилик қилмоқда. Нишон тумани — 39,6 минг, Касби тумани — 38,9 минг тонна, Косон тумани 35 минг тонна дон топшириб, хирмонга барака киритди. Қурғоқчиликдан қийналиб келаётган Деҳқонобод туманида лалмикор ердаги ҳосилдорлик 14,5 центнердан ошди. Ниҳоятда мураккаб шароитидаги Ғузор тумани 21,8 минг, Қамаши тумани 23 минг тонна дон сотиб, зафарга етди.

Нишон туманидаги «Хўжаёрота» фермер хўжалиги 17 гектар ердан 100, Ғузор туманидаги «Орзиқул Бўрибобо» фермер хўжалиги 10 гектар ердан 101, Касби туманидаги Навоий номли ширкатнинг ижарачиси Т. Сафарова 6 гектар ердан 107, Қарши туманидаги Ю. Хушвақтов номли ширкатнинг ижарачиси М. Хўжамов 24 гектар ердан 92 центнердан ҳосил олишди. Бу рақамлар Қашқадарё воҳасининг тупроғи бемисл имкониятларга эга эканлигини кўрсатмайдими?!

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

БУХОРО

60 минг гектар майдондан 142700 тонна ҳосил олиниб, давлатга дон сотиш бўйича шартнома режаси 17 иш кунида бажарилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 45 центнерни ташкил этади. Бу бултургига нисбатан 17 центнерга кўп, демакдир.

Шуниси қувончлики, бу йил режани уддаламаган бирорта туман қолмади. Ромитан туманида ҳосилдорлик 50 центнердан ошган бўлса, Бухоро, Вобкент, Шофиркон, Ғиждувон каби қатор туманларда ҳар йилгидан анча кўп ғалла етиштирилди.

Ғалла ўрими давом этяпти.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ФАРҒОНА

Вилоят ғаллакорлари 2002 йил дон ҳосили учун экилган 103 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан шу кунгача ўртача 45 центнердан, яъни 350 минг тонна ғалла йиғиштириб олдилар. Давлатга 280 минг тоннадан зиёд сара дон топширилиб, шартнома режаси бажарилди.

Олтиариқ, Ёзёвон, Тошлоқ, Бешариқ туманлари буғдойзорларида ҳосилдорлик юқори бўлди.

Фарғона туманидаги «Фарғона» ширкат хўжалигининг пудратчиси К.Маҳамматов тасарруфидаги буғдойзорларнинг ҳар гектаридан шартнома режасидаги 46 центнер ўрнига 101,5 центнердан хирмон кўтарилди. Қувасой шаҳридаги «Қувасой» ширкат хўжалигидаги янги нав экилган буғдой пайкалларидан 98 центнердан ҳосил олинди. Бешариқ туманидаги Х.Пайғамов, Н.Усмонов, А.Эшонқулов, М.Эшматов, Р.Бобоев, Ў.Бердиқулова каби ижарачилар ҳар гектар ер ҳисобига 50-70 центнердан ошириб сара дон олдилар.

Далаларда ҳосил мўл. Ғаллани йиғиштириб олган деҳқонлар такрорий экинлар экишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

ХДП Риштон ва Сўх туман кенгашларининг ташкилий пленумларида мазкур кенгашларнинг биринчи котиблари этиб, тегишлича, О.Саидов ва Ф.Мастоновлар сайландилар. Пленумларда ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А.Игамбердиев, мазкур туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари Т.Маҳмудов, Х.Бурхонов ва С.Нарзиддиновлар қатнашдилар.

ХДП Фарғона вилоят кенгаши ўтказган вилоятдаги шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котибларининг семинари ХДП МК IV пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишланди. Унда асосий эътибор партиядан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб боришни яхшилаш, депутатлар қабулхоналари фаолиятини такомиллаштириш вазифаларига қаратилди.

Андижон шаҳридаги Нефть маҳсулотлари идораси қошидаги Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти очиқ йиғилишида, партиянинг дастурий ғоялари ва сиёсатини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда партия аъзоларининг иштироки, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш вазифалари каби масалалар муҳокама қилинди.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг янги босқичида партиямиз ташкилотлари давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда қатор маданий-маърифий тадбирларни ўтказдилар. Чунончи, **ХДП Урганч туман кенгаши,** Хоразм вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни кучайтириш ҳудудий қўмитаси, туман ҳокимлиги, туман ички ишлар бўлими ҳамда «Қоровул» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудий (бошланғич) партия ташкилоти ҳамкорлигида, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни ўрганиш жиноятчилик, гиёҳвандликка қарши курашиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни кучайтириш ҳудудий қўмитаси раиси У.Абдуллаев, ХДП Урганч туман кенгашининг биринчи котиби Х. Воисчанов, туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Х.Нуриллаев, «Қоровул» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби К.Рўзметовлар сўзга чиқдилар.

ХДП Жиззах шаҳар кенгаши, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими билан ҳамкорликда, шаҳардаги ҳарбий қисмларнинг бирида «Шу азиз Ватан — барчамизники!» мавзуида, учрашув ташкил этди. Учрашувда иштирок этган отаоналар, жамоат ташкилотлари вакиллари чегарачи аскарларнинг ёзги ўқув машғулотларини кузатдилар. Тадбир «бир пиёла чой» устидаги «давра суҳбати» билан якунланди.

ХДП Зангиота туман кенгаши, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда, туман марказидаги боғда «Дийдор» кечасини ўтказди. Бу тадбир шу қишлоқда яшаб, ижод қилган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ўз асарларини игна билан ёзган, кўзи ожиз Вали Ғофуровнинг 80 йиллигига бағишланди. Кечага таширф буюрган ижодкорлар, ёзувчининг ўғил-қизлари, қариндош-уруғлари, шоирлар, журналистлар, партия фаоллари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари В.Ғофуровнинг инсоний фазилатлари ва ижоди тўғрисида гапирдилар.

Тошлоқ тумани Заркент қишлоғи шифохонаси бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан «Соғлом она — соғлом фарзанд» мавзуида ёш оналар учун семинар-тренинг ташкил этилди. Семинарда ХДП Фарғона вилоят кенгаши котиби З.Абдуллаева мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини сақлаш Давлат дастурини амалга оширишда ХДП ташкилотларининг иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари масалаларига бағишланган семинар **ХДП Тўрақўрғон туман кенгаши** ва вилоят «Аёллар ресурс маркази» ҳамкорлигида ташкил этилди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган бу йиғилишда, ХДП аъзолари Д.Акромова, Э.Дадабоева ва С.Ҳамдамовалар иштирокчиларнинг саволларига жавоб бердилар.

ХДП Олтинкўл туман кенгаши ташаббуси билан, туман иқтисодиёт коллежида, «Халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш — долзарб вазифа» мавзуида, «давра суҳбати» ўтказилди. Учрашувда террорчилик ҳаракатлари чоғида жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари ёдга олинди.

Партия Улуғнор туман кенгаши, қишлоқ хўжалик ишларида юқори кўрсаткичларга эришган илғорларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида, бир гуруҳ партия фаолларининг Наманган шаҳрига бир кунлик саёҳатини уюштирди.

ЯНГИ ҚОНУНГА КЎРА

Россия давлат думаси «Муқобил фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди. Янги қонунга кўра, эндиликда муқобил фуқаролик хизматига чақирилувчилар корхона ва ташкилотларда, ижроия ҳокимиятининг федерал органларида, шунингдек, қуролли кучлар тизимига қарашли корхона ва ташкилотларда хизматни ўташи мумкин. Хизмат муддати оддий фуқароларга 3,5 йил, олий ўқув юртларини битирганлар учун эса 21 ой қилиб белгиланди.

Қуролли кучларнинг корхона ва ташкилотларида ҳамда Россиянинг бошқа ҳарбий муассасаларида муқобил фуқаролик хизматини ўтовчилар учун эса 3 йил, олий ўқув юртини битирганлар учун 18 ой муддат белгиланди. Бу янги қонун 2004 йил 1 январдан амалга жорий этилади, дея хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

«ЭШИКЛАР МУСТАҲКАМЛАНСИН!»

АҚШ фуқаро авиацияси бошқармаси АҚШга халқаро рейс бажарувчи барча чет эл авиакомпаниялари ўз самолётларининг учувчилар бўлмасига кирувчи эшикларини янгилаб, мустаҳкамлаши зарурлигини уқтирди. Токи террорчилар учувчилар бўлмасига киролмасин.

АҚШ талабига кўра, мамлакатга келувчи барча самолётларнинг эшиклари 2 ой мобайнида қайта мустаҳкамланиши керак. Бундан ташқари, кейинги йил апрелгача самолёт эшиклари кучайтирилган ҳимоя лойиҳаси асосида алмаштирилиши лозим.

Ҳозир Америка авиакомпанияларининг барчаси ўз самолётлари эшиклари билан боғлиқ барча юмушларни бажаришга киришган. Ўрнатилаётган янги эшиклар ўта мустаҳкам бўлиб, ўтда ёнмайди, шунингдек бузилмайди ҳам, дея хабар беради CNN.

ЕВРОНИНГ «ОТАСИ» ВАФОТ ЭТДИ

Люксембургнинг собиқ бош вазири, ягона Европа валютасини жорий этиш тарафдори ва бош ташкилотчиларидан бири Пьер Вернер 89 ёшида оламдан кўз юмди.

Вернер 1960 йилиёқ ягона Европа валютасини амалга жорий этиш ғоясини илгари сурган эди. Ўн йилдан сўнг эса Вернер 1980 йилдан эътиборан ягона Европа валютасига ўтиш дастурини ишлаб чиқди ва бу дастур 1971 йил мартда Европанинг кўпгина мамлакатлари томонидан маъқулланди. Бироқ унинг амалга ошишига ёнилғи инқирози ҳалақит берган эди, дея хабар беради Reuters агентлиги.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

1906 ЙИЛ, 14 (27) ИЮНЬ...

Маълумингизким, 27 июнь санаси 1993 йилдан эътиборан республикамиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами сифатида нишонланиб келинмоқда. Нега айнан шу кун асос қилиб олинган?

XX аср бошидаги ўзбек миллий матбуоти тарихида «Тараққий» газетаси алоҳида ўрин эгаллайди. Бу газета озодлик, маърифатпарварлик ғояларини илгари сурди. Жадидларнинг қарашларига асосланиб, Туркистонда истиқлолнинг маънавий замини масаласига катта эътибор берди, илм-маърифатни ана шу истиқлолнинг маънавий ўзаги деб билди ва шу масалани ҳамиша диққат марказида тутди. Ўзбек миллатининг жаҳолатдан қутулиши, тараққий топиши ҳақида қизғин баҳс юритди, демократик тартиблар учун курашди.

«Тараққий»нинг биринчи сони 1906 йил 14 июнь (янги ҳисоб билан 27 июнь) куни чиққан. Исмоил Обидий муҳаррирлигида нашр этилган мазкур газетанинг шиори «Нажот: маслакда собит, тўғриликнинг ижобат бўлганида». Илмий, адабий, фанний, тужжорий жарида бўлган «Тараққий» охирги сонигача ўзининг шиорига содиқ қолди.

Газетанинг маслагини муҳаррир Исмоил Обидий қуйидагича ифода қилган: «Газетамиз: «Тараққий» номинда ўлуб, бора-бора жисми ҳам исмиға мувофиқ ўлуб миллатимизни «кейин» қолмоғига жаҳолати ва ғафлати олийда ўлуб бошқа миллатлардан кам даражада қолмоғиға асло рози эмасдирмиз.

Бақадари имкон миллати исломни олий даражада ўлмоғиға ва миллати исломдан тижорот, касб-корнинг ортмоғига йўл излаб, ижтиход қолур. Жаҳолат ҳар миллатни кейин қолдириб атрофиға қоронғулик келтирмоғи ҳар кимга маълумдир. Биноан алайҳа газетамизнинг нажотимизга, диний ва оҳиратда маъсуд ўлмоғимизга ёлғиз илм бобидир, демак, энг биринчи вазифасидир». Шу боис газета муҳарририга Исмоил Тараққий маснади берилганди.

Газета илк сонлариданоқ, маҳаллий халқ орасида эрк, ҳуррият, истиқлол ғояларини тарқатишга интилди, чор маъмурларининг мустабидлик сиёсатини рўй-рост фош қилиб ташлади, мустамлакачиларнинг кирдикорларини халққа очиқ тасвирлаб берди. Чунончи, «мусулмонча бир кичкина рисола босдирмоқчи бўлсак, — деб ёзади газета, — саҳифалар ортиқли, туртиқли бузулиб, қўлимиза қайтур эди. Мактаблар очадиган бўлсак, турли баҳоналар билан ёпишар, мадрасаларимизни «печатлашуб», 2-3 тийин масжид, мадраса вақфларидин ҳам айрилур эдик».

«Тараққий» мустамлакачиларнинг халқлар, элларни эрк, истиқлол, миллий озодлик курашидан чалғитиш, уларга мутелик руҳини сингдириш учун атайлаб миллатлар, элатлар орасига этник жиҳатдан низо солиш, уларни гиж-гижлашдек ўта разил ва маккорона сиёсат юргизганини очиб ташлашга журъат эта олган. Бир миллатни иккинчи миллатга калтак қилуб, қон тўкмак ҳунарини асар этмак буларнинг ихтироъ қилғон ҳунарларидир. Зулм қилмоқ, илмга сад тортмоқ, мухталиб миллатлар орасига адоват солмоқ каби асбоби маданият бўлғон ҳунарларга ҳам маҳорат касб этдилар», деб ёзган эди газета.

«Тараққий» маҳаллий халқнинг жаҳолатдан қутилиши, тараққий қилуши, эрки ва истиқлоли учун астойдил курашди. Газетанинг 1 ва 2-сонларида Мунаввар Қорининг «Бизни(нг) жаҳолат — жаҳли мураккаб» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда илм олиш билан бирга, Европа мамлакатларида бўлганидек, дунёвий фанларни ҳам эгаллашга миллат фарзандлари даъват этилди. Мунаввар Қори мазкур мақоласида асрлар давомида ҳукм суриб келган ва замон талабидан орқада қолган мактаб ва мадрасалардаги ўқитиш тизимини ислоҳ этишни қатъий илгари суради, «илми ҳисоб, жўғрофия, тавориx», хусусан тарихи ислом каби дунёвий ҳам диний илмларни ўқитишни таъкидлайди.

Кўрамизки, «Тараққий» газетаси халқимизнинг дунёдаги илғор халқлар сафига чиқиши учун жон куйдирган. У ўз ғояларини муҳаррирнинг усталиги туфайли гоҳо очиқ, гоҳо сатрлар орасида, гоҳо «русия газеталари хабар беради» каби ҳимоя ибораларига тақлид ҳолда тарғиб қилди. Аммо маккор чор айғоқчиларига гап бериш қийин эди. Ва шу боис «Тараққий»нинг 20-сони мусодара этилиб, таҳририят ёпилади.

Мустақиллигимизнинг икки йиллиги арафасида янгидан белгиланган миллий матбуот байрами кунига XX аср бошидаги тараққийпарвар газета — «Тараққий» чиққан сана — 1906 йилнинг 14(27) июнь куни лойиқ топилди.

■ **Тоҳир ПИДАЕВ, Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ**

ХДП ХАБАРИ

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шайхонтоҳур туман кенгашида саломатлик мавзуида «давра суҳбати» ўтказилди. Унда туманнинг «Янги камолон», «Камолон», «Эшонгузар», «Янгиобод» маҳаллаларида истиқомат қилувчи фуқаролар, меҳнат фахрийлари, қариялар, шунингдек, 34 ва 84-мактабнинг кекса-ю ёш педагоглари қатнашдилар. Ушбу йиғилишнинг ўзига хос томони шундаки, республика фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институти «Диагностика» бўлимининг малакали шифокор-фтизиатри, институт бошланғич партия ташкилотининг котибаси Мавлуда Азимова саломатлик ҳақида, соғлиқни сақлаш учун эътиборли бўлиш ҳақида сўз юритди. Айниқса, ўпка сил касаллиги, унинг инсон организмига юқиши, даволаш усуллари ҳақида берган батафсил маълумотлар йиғилганларни бефарқ қолдирмади..

Сил касаллигининг очиқ шакли беморларнинг нафақат оила аъзолари, қолаверса, уй ҳайвонларига ҳам юқиши мумкинлиги айтиб ўтилди. Унинг бактериялари инсон организмига асосан нафас олиш йўли билан бурун катакларидан, оғиз бўшлиғидан, чанг-тўзон орқали нафас олганда, балғам тўплаганда, ўзгалар билан мулоқотда бўлганда, аксирганда ва йўталганда юқиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилди.

Жонли мулоқот ва саволжавоблар тарзида кечган йиғилиш сўнггида санъат аҳли томонидан куй-қўшиқлар намойиш этилди.

■ **Сайидали СУЛТОНОВ, туман партия кенгашининг маслаҳатчиси**

ХАЛҚ ШОИРИ МАРҲАМАТЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

Марҳамат туманидаги «Машъал» ширкат хўжалигининг Собиржон Бобожонов бош пудратчилик қилаётган 24-жамоасининг шинамгина дала шийпонига севимли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ташриф буюрди.

— Гапнинг рости, Абдулла аканинг «ҳорманглар,» деб келишидан бошимиз кўкка етди, — дейди туман ҳокими Козимжон Мадраҳимов. — Халқимиз меҳнаткаш, айни пайтда маънавиятга, бадиий ижодга юксак эътиқод билан қарайди. Адибимизнинг ташрифи деҳқонларимизга кучғайрат бағишлаши шубҳасиз.

Абдулла Орипов андижонликларнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги қаҳрамонона меҳнатини юксак баҳолаб, ўзининг бир жуфт шеърини ўқиб берди.

— Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг хўжалигимиз деҳқонлари билан учрашуви ғалладан катта хирмон кўтарган кунларимизга тўғри келди, — дейди ширкат хўжалиги раиси Мўминжон Каримов, — Бу йилги ниятимиз давлатга режадаги ғаллани топширгач, ҳар бир ишловчи ҳисобига камида бир тоннадан дон тарқатишдан иборат. Ўтган йили ҳам шу соҳадаги ютуғимиз учун вилоят ҳокимининг мукофотига сазовор бўлганмиз.

— Қўли қадоқ, қалби қайноқ деҳқонларнинг бундай ҳаракатлари ва ютуқлари ҳар қанча достонларга татигулик, — деди Абдулла Орипов.

■ **Назиржон САИДОВ, Аҳмадилло СОЛИЕВ**

МУКОФОТГА — «ТИКО»

Нурота туманидаги «Қизилча» ширкат хўжалиги асосан қоракўлчиликка ихтисослашган. Хўжаликда айни пайтда 35 мингга яқин қўй-қўзи боқилмоқда. Шунинг 15.409 боши совлиқлардир. Жорий йил қўзилатиш мавсумида хўжалик қоракўлчилари ҳар юз бош совлиқдан 112 тадан қўзи олиб, туманда юқори кўрсаткичга эришдилар. Олинган наслларнинг 82 фоизи ўстиришга қолдирилди. Ана шундай юқори кўрсаткич сабаб хўжаликка мукофот тарзида «Тико» енгил автомашинаси берилди. Худди шундай маҳсулдорликни қўлга киритгани учун тумандаги «Нурота» ширкат хўжалиги ҳам «Тико» билан тақдирланди.

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

НЬЮ-ЙОРКНИНГ ОСМОНЎПАР БИНОЛАРИ

ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Черногория парламенти мамлакат жиноят кодексига бир неча ўзгартириш ва қўшимчалар киритди. Энг асосийси ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига авф этиш ҳуқуқи берилмайдиган 40 йиллик қамоқ жазоси жорий этилди.

Черногория адлия вазири Желько Штурановичнинг айтишича, ўлим жазосининг бекор қилиниши Европа Иттифоқи аъзолигига томон ташланган муҳим қадамдир. Негаки, ЕИга аъзо бўлиш учун мамлакат миллий қонунчилиги халқаро меъёрларга жавоб бериши лозим.

Желько Штуранович фикрича, 40 йиллик озодликдан маҳрум этиш ҳарқалай инсонпарварликни ўзида намоён этади. Чунки инсон учун энг асосий неъмат — ҳаётда яшаш ҳуқуқи сақлаб қолинди. Бундан ташқари, Кодексга бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди. Жумладан, эндиликда компьютер сайтларига «ҳужум», шунингдек, қизни мажбурлаб турмушга бериш ёки йигитни мажбуран уйлантириш ҳам жиноий жавобгарлик билан малакаланади.

ЯНА ОЛОВ ДОМИДА

Сўнгги бир кеча-кундузда Узоқ Шарқ федерал округидаги ўрмонларда 27 та ёнғин ўчоғи пайдо бўлди. Шундан 10 таси Саха (Ёқутия) Республикасида, 7 таси Хабаровск ўлкасида, яна 7 таси Магаданда, 2 таси Амур вилоятида, Сахалинда эса 1 та. Ёнғиннинг бир қисмини ўчиришга эришилди.

Ҳозир Узоқ Шарқ ўрмонларида ҳаммаси бўлиб, 98 та ёнғин ўчоғи мавжуд. Апрель бошидан бери ўрмонларда 1847 та ёнғин ўчоғи қайд этилган бўлиб, у 282740 гектар майдонни ўз домига олган.

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ

ОАО «ТАНСИҚ НОН»

Порядковый номер сообщения — 05

Вид ценных бумаг, а также категория (тип) — акции простые именные.

Дата принятия эмитентом решения о выплате (объявлении) дивидендов по акциям — 02.04.2002 г.

Орган эмитента, принявший решение о выплате (объявлении) дивидендов по акциям, общее собрание акционеров.

Размер дивидендов, начисленного (выплаченного) на одну акцию указанной категории (типа) — простые именные — 56,32 сума.

Общее количество акций: простые именные — 77670 шт.

Форма выплаты дивидендов — денежные средства.

Порядковый номер сообщения — 09.

Вид общего собрания — годовое.

Форма проведения общего собрания — очная.

Дата проведения общего собрания — 02.04.2002 г.

Дата составления и подписания протокола общего собрания — 12.04.2002 г.

Место проведения общего собрания — г. Ташкент, ул. Чехова, 1.

Кворум общего собрания — голосующих акций 530231 или 68,26%.

ИТОГИ РЕШЕНИЕ ГОДОВОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ:

1-вопрос. Рассмотрение и утверждение отчета председателя правления о результатах финансово-хозяйственной деятельности за 2001 год.

Голосовали: Утвержден единогласно.

Работу принять удовлетворительной.

2-вопрос. Утверждение бухгалтерского баланса, счет прибыли и убытков.

Голосовали: Баланс утвержден единогласно.

3-вопрос. Утверждение отчета ревизионной комиссии и заключение аудиторские проверки за 2001 год.

Голосовали: Отчет ревизионной комиссии и заключение аудиторской проверки утвержден единогласно.

4-вопрос. Утверждение бизнес-плана развития общества на 2002 год.

Голосовали: Бизнес-план на 2002 год утвержден единогласно.

5-вопрос. Утверждение аудиторский фирмы «Дунё-Аудит» на 2002 год. Голосовали: Аудиторский фирма «Дунё-Аудит» на 2002 год. Утверждена единогласно.

6-вопрос. Утверждение распределения чистой прибыли утверждение размера дивидендов.

Голосовали: Утверждено единогласно.

30% — на выплату дивидендов, что составляет 4374,3 тыс. сум или 56,32 сума на одну акцию.

70% — на развитие общества т.е. 10206,7 тыс. сум.

7-вопрос. Утверждение перечня затрат предприятия согласно Постановления КМ РУз за № 545 от 05.02.1999 г.

Голосовали: Утвердить единогласно перечень затрат предприятия.

8-вопрос. О привлечении инвесторов.

Голосовали: единогласно.

Одобрить привлечение дополнительных инвестиций и осуществить разработку проекта эмиссии корпоративных облигаций.

Правление ОАО «ТАНСИҚ НОН»

Суратда: Ўзбекистон радиоси «Машъал» дирекциясининг бир гуруҳ ходимлари.

Суратда: марғилонлик матбаачилар байрамидан лавҳа.

Мустақиллик йиллари Марғилон матбаачилари учун ютуқларга бой давр бўлди. Энг аввало, шаҳар босмахонаси бугунги тараққиёт талабларига тўла жавоб бера оладиган замонавий бинога кўчиб ўтди. Мамлакатда биринчилар қатори компьютер технологияси жорий этилди. Ҳозир бу ерда ўнга яқин газеталар, турли китоб ва рисолалар, шунингдек, сифатли босма маҳсулотлари чоп этилмоқда.

Гоҳ Токио, гоҳ Лондону Парижда ўзи Жаҳон бўйлаб учиб юрар, тийрандир кўзи, Эллик ёшда ўктам бўлди қалами, сўзи, «Ўзбекистон овози»да Алишер Рўзи.

ИККИ УЧРАШУВ ҚОЛДИ

2002 FIFA WORLD CUP KOREA JAPAN SEOUL

Финалда учрашадилар:
ГЕРМАНИЯ — БРАЗИЛИЯ
Учинчи ўрин учун:
ЖАНУБИЙ КОРЕЯ — ТУРКИЯ

Бутун дунёни ҳаяжонга солган футбол байрами ниҳоясига етмокда. Салкам бир ойлик кескин баҳслардан сўнг, мана ниҳоят финалчилар маълум бўлди.

Германия ва Жанубий Корея жамоаларининг ярим финал учрашуви олдидан футбол қироли Пеле: «Бу ўйинда тажриба ва шижоат куч синашади. Ғалабага ташналик Кореяни финалга олиб чиқади. Ҳал қилувчи учрашувда Бразилия — Жанубий Корея учрашувини кўриш насиб қилса ажабмас», деганди. Аммо бу башорат тўғри чиқмади. Тўғри, корейслар астойдил тўп сурдилар. Кескин курашда германиялик Михаэл Баллак киритган ягона тўп кореяликларни финалдан маҳрум этди. Айнан шу футболчи Германия финалда Бразилия билан учрашишини тахмин қилганди. Бу икки жамоа футбол тарихида бирон марта финалда майдонга бирга тушишмаган.

Мухлислар Бразилия — Туркия учрашувини ҳам сабрсизлик билан кутдилар. Сабаби маълум, Лотин Америкаси футболчилари тўрт марта жаҳон чемпиони бўлишган. Турклар эса бор-йўғи иккинчи марта футбол байрамида иштирок этишмокда. Турк футболчилари устози Шанол Гунаш: «Шогирдларимнинг Сенегал жамоаси билан ўйинидан қониқиш ҳосил қилдим. Аммо Туркия учун 3-4 ўрин ярашмайди. Биз фақат биринчи ўрин учун курашамиз», деган эди. Турк футболчиси Умит Давала эса: «Бразилияни ютишимиз шарт. Биз устунмиз, сўзсиз. Ўйин қийин кечади. Чунки рақиблар ҳам ғалаба илинжида», дейди. Пеле ҳам ўзига хос фикр билдирган: «Ўйин жуда оғир бўлиши табиий. Ҳар иккала жамоа гуруҳда ўтказилган дастлабки учрашувдаёқ синашта бўлиб олишган. Аммо, Бразилия ғалаба қозонади».

Бразилия — Туркия учрашувининг қизиқарли бўлиши маълум эди. Фақат кимлар Бразилияга, кимлар Туркияга мухлислик қилди. Инсоф билан айтганда, туркларнинг ярим финалга чиқиши катта ютуқ десак муболаға бўлмас. Албатта, финалчи бўлишга нима етсин. Аммо футболда омад деган гап бор. Туркиялик ишбилармонлар ўз юртдошларини ярим финалга чиқишгани учун олти миллион евро билан сийлашга аҳд қилишгани ҳам бежиз эмас. Бордию турклар финалга чиқишганда яна ўн миллион еврога эга бўлишлари мумкин эди. Афсуски, германиялик моҳир футболчи Баллакнинг башорати тўғри бўлиб чиқди. Жаҳон чемпионати тарихида финалда биринчи марта Германия — Бразилия жамолари учрашадиган бўлишди. Чунки Бразилия — Туркия учрашуви тақдирини Роналдо киритган ягона тўп ҳал қилди.

Шундай қилиб, жаҳон кубогининг кимга насиб этиши Германия — Бразилия учрашувида ҳал бўлади.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ**

СПОРТ

БЕШ ОЛТИН, УЧ БРОНЗА

Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда бокс бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Қитъамизнинг 27 давлат вакиллари иштирок этган мазкур мусобақада ҳамюртларимиз барча ўн икки вазн тоифасида рингга чиқишди. Улардан саккиз нафари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Беҳзод Хидиров (57 кг., Тошкент шаҳри), Бахит Сарсекбоев (63 кг., Тошкент вилояти), Ўткирбек Ҳайдаров (75 кг., Андижон), Икром Бердиев (81 кг., Тошкент вилояти), Рустам Саидов (+91 кг., Тошкент вилояти)лар Осиё чемпиони, Тўламбой Дониёров (51 кг., Наманган), Шерзод Ҳусақов (67 кг., Фарғона), Сергей Михайлов (91 кг., Андижон)лар эса бронза медаллари соҳиби бўлишди.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

ПАРТИЯ БОШ-ҚОШ БЎЛДИ

Урганч шаҳрида стол тенниси бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди. ЎзХДП шаҳар кенгаши ҳомийлигида ўтказилган, бу мусобақа республика мустақиллигининг ўн бир йиллигига бағишланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилган мусобақаларда вилоятнинг туманларидан олтмишдан зиёд умидли ёшлар қатнашдилар.

Тўрт кун қизғин давом этган мусобақаларда Урганч шаҳридаги Паҳлавон Маҳмуд номли теннис клуби жамоалар ўртасида, Шамол Иброҳимов, Озода Шерова, Шуҳрат Шеров, Ойша Рўзметова, Эргаш Қозоқов, Матёқуб Мадримов каби ёшлар шахсий беллашувларда ғолиб бўлишди.

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШДИ

Москвада МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўсмирлари халқаро спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этиб, салмоқли натижаларни қўлга киритишди.

Ўз сафида 79 нафар ёшни бирлаштирган жамоамиз спортнинг самбо, юнон-рум кураши, теннис, стол тенниси, енгил атлетика, қиличбозлик, шахмат, сузиш, спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика турлари бўйича беллашди.

Москвадаги энг замонавий спорт майдонларида 9 кун мобайнида муросасиз баҳслар давом этди. Спорт ва дўстлик шиори остида ўтган қизғин беллашувларда вакилларимиз 1 та олтин **(Озод Пардаев, самбо, 40 кг.)**, 1 та кумуш **(Светлана Радзивил,** баландликка сакраш, **180 см.)**, 1 та бронза **(Камол Аҳматов, самбо, 51 кг.)** медални қўлга киритди. Шунингдек, спортчиларимиз саккизта 4-ўрин, 14 та 6-ўринни эгаллади. 40 нафар вакилимиз эса кучли ўнликдан жой олди.

Теннис кортларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя этган Фаррух Дўстов, Илҳом Эшматов якка баҳсларда юксак натижа кўрсата олмаган бўлсалар-да, жуфтлик баҳсларини муросасиз ўтказилди. 3-ўрин учун бўлган мусобақада украиналик тенгдошлари билан тенгма-тенг ўйнашди. Фақат омад бу сафар улардан юз ўгирди.

Стол теннисида қизларимиз катта тажриба тўплаган. Улар бир неча бор йирик турнирларда фахрли ўринларни қўлга киритган. 1998 йилда Москвада бўлиб ўтган Жаҳон ёшлари ўйинларида Манзура Иноятова ва Саида Бурҳонхўжаева жуфтлик баҳсларида 3-ўринни эгаллаган эди. 1999 йили Швецияда ўтказилган мусобақада эса 45 давлат ичида 1-ўринга (жамоа ҳисобида) кўтарилган. 2000 йилда Германияда ҳам жамоа ҳисобида ғолиб бўлган. Москвада эса қизларимиз ўз имкониятлари даражасида қатнаша олмади.

Шахмат баҳсларида илк бор қатнашаётган Жўрабек Ҳамроқулов ва Сарвиноз Эргашева фахрли ўринларни эгаллади.

Спорт соҳасига ҳукуматимиз томонидан берилаётган катта эътибор, ажратилаётган йирик маблағлар эрта-индин ўз нишонасини беради. Зеро, Москвада бўлиб ўтган халқаро спорт ўйинлари ёш авлодни янада юксак чўққиларни забт этишга ундамоқда.

■ **Муҳаммад АМИН, ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент-Москва-Тошкент.

✧✧✧

Суратларда: Озод Пардаев, Светлана Радзивил ва Камол Аҳматовлар.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 471

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

«ТАНСИҚ НОН»

Очиқ турдаги акциядорлик жамияти дахлдор шахсларнинг уларга тегишли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатини **ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Исми шарифи	Низом жамғарма улуши				
1. Каримжонов М.А.	2,65 %	4. Мельситдинова Н.Б.	0,19 %	7. Усманов У.	19,0 %
2. Аюпов А.А.	0,10 %	5. Неяскулов Т.	0,05 %	8. Қўйбоқаров С.	25,0 %
3. Исмоилов А.А.	0,14 %	6. Иминов Б.	19,0 %	9. Ишқобилов Ф.	6,41 %
				10. Абдуллаева Р.	0,18 %

Изоҳ: дахлдор шахсларга Кузатув кенгаши аъзолари ва ижроия орган аъзолари киради.

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«АСАКА» БАНКИ

СИЗГА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

«Асака» банки пластик карточкалари — бу: ишончли, нуфузли, қулай ва фойдали.

Сўм карточкаларимизга товарлар ёки хизматларга тўлов ёки нақд пул олиш учун сиз ўзингизга қулай бўлган вақтда республикамиздаги савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида, Europay (Master Capd) халқаро карточкалар орқали жаҳондаги ҳар қандай мамлакатда туриб тўловни ёки валюта олишни амалга оширишингиз мумкин.



Сизнинг пластик карточкаларингиздаги қолдиқ маблағларингизга даромад қўшилади.

Банкимизнинг ўзига хос томони шундаки, юксак малакали мутахассисларимиз мижозларимизга юқори даражада хизмат кўрсатади ва сиз пластик карточкаларни қисқа вақтда олиш имконига эга бўласиз.

Энг муҳими, «АСАКА» банки омонатларингизнинг тўла сақланишини ва махфийлигини кафолатлайди.

«АСАКА» БАНКИ КАРТОЧКАЛАРИ

БУ ЯНГИ БИР ДУНЁ!

Пластик карточкаларни олиш бўйича банк филиалларига мурожаат қилинг; Тел: 120-81-79, 120-82-75, 120-83-09, 120-83-32, 120-83-14, 120-83-91, 120-84-08, 120-81-98, 120-84-23.

BANK XALQ BANKI

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Ҳар бир киши янги русумдаги ўз автомобили бўлишини орзу қилади ва хоҳлайди.

Сизнинг орзу ва истакларингиз амалга ошишида Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банки — Халқ банки хизматингизга тайёр.

Халқ банки аҳолига энг қулай ва энг манфаатли шартларда

«АВТО-КРЕДИТ»

ўрта муддатли истеъмол кредитларини таклиф этади.

Сиз банкнинг ушбу кредитларидан фойдаланиб, мустақил республикамизда ишлаб чиқарилаётган DAEWOO русумли автомобилларни харид қилишингиз мумкин.

Кредитларни расмийлаштириш тартиблари билан батафсил танишиш учун банкнинг турар-жойингиздаги бўлимига мурожаат этишингиз мумкин.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Савдолар 2002 йил 30 июль, 8 август кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.

Савдоларга биринчи навбатда эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги объект қўйилади:

Бухоро шаҳри, О.Эшонов кўчаси, 15-уйда жойлашган, «Ўзбекэнерго» ДАК «Бухоро электр тармоқлари» корхонасига қарашли «Нурчи» соғломлаштириш маркази. Биноларнинг умумий майдони 1364 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 144 359 АҚШ доллари.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар:
136-26-26, 136-28-75
Факс: 136-06-17
www. uzrkmb. com

ХОКИМЛИКЛАР, ВАЗИРЛИКЛАР, БАНКЛАР ВА БАРЧА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА!

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувларга бўлган талаб тубдан ўзгарди. Айни даврда иқтисодиётни, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий аҳволни, кредит ва инвестициялардан фойдаланишни яхшилаш, янги иш жойлари яратишда камчилик ва муаммолар учраб турибди.

А.Мадалиев томонидан «Иқтисодиётни ривожлантиришда ёлланма бошқарув ва унда омма иштироки ютуқлар гарови» номли китоб нашрга тайёрланди.

Унда юқоридаги каби муаммоларни ҳал этишда янги ғоялар ва фикрлар илгари сурилади.

Ушбу китоб раҳбарлар, ходимлар учун қўлланма сифатида тавсия этилади.

Буюртмаларингизни кечактармай қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: 700060, Тошкент, Мовароуннаҳр кўчаси, 20-уй.

Автомобиль йўллари институти Тел.: 56-92-85.